

## ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1945–1955 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

**Фарход Абдухамидович ДЖУНАЕВ**

Таянч докторант

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Ушбу мақолада муаллифнинг 1945–1955 йилларда республика аҳолисининг ижтимоий ва маданий ҳаётида юз берган асосий ўзгаришлар, яъни ривожланиш ҳамда тараққиётдаги хато ва камчиликлар хусусидаги фикр ва мулоҳазалари акс эттирилган.

**Таянч сўзлар:** аҳоли турмуш даражаси, фирма комиссиялари, касаба уюшмалари, халқ хўжалиги, аҳолини уй-жой билан таъминлаш.

## ИЗМЕНЕНИЯ В УРОВНЕ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ 1945-1955 ГОДОВ)

**Фарход Абдухамидович ДЖУНАЕВ**

базовый докторант

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

### **Аннотация**

В данной статье отражены мысли и мнения автора об основных изменениях, произошедших в социальной и культурной жизни населения республики в 1945–1955 годах, то есть, об ошибках и недостатках в развитии.

**Ключевые слова:** уровень жизни населения, фракционные комиссии, профсоюзы, национальная экономика, жилищное обеспечение населения.

Иккинчи жаҳон уруш ғалаба билан тамомланиб, тинч қурилишга ўтилганидан сўнг Ўзбекистон ССР аҳолиси ижтимоий ҳаётида халқ хўжалиги масалалари асосий ўрин эгаллади. 1946–1947 йилларда Ўзбекистоннинг ҳамма жойида туман ва шаҳар партия комиссиялари бўлиб ўтди. “СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан фирма ташкилотларининг ташвиқот-тарғибот ишлари тўғрисида” собиқ иттифоқ комфиркаси марказқўмининг қарорини амалга ошириш борасида ишлар кучайтириб юборилди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ партия ва ҳукумат совет халқларининг турмуш даражасини оширишда муваффақиятларга

(рақамларда) эришдилар. Лекин қишлоқ хўжалигининг орқада қолаётганлиги аҳоли фаровонлигини ёппасига кўтариш имкониятларини анча чеклаб қўймоқда эди. Шу сабабли партия 1953 йилдаги сентябрь Пленумида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан юксалтириш йўлини гўёки белгилаб берди. Бу йўл халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бинобарин, бутун аҳоли турмуш даражасини ошириш йўли деб ҳисобланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида каттагина силжишлар рўй берганлиги, саноат ривожланиб, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсиб борганлиги ва моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кишилар сонининг кўпайиб борганлиги натижасида меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ошганлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган миллий даромад йилдан-йилга оша борди.

Урушдан кейинги йилларда республика фирқа ташкилотлари ва уларда аъзолар сонининг ўсиши кучайди. 1954 йилнинг феврида республика фирқа ташкилотида 11127927 аъзо ва 138861 номзод бор эди. Бу йилларда ҳам республикада “фирқа ҳукмронлиги” давом этиб, шўроларга, касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотига унинг раҳбарлиги янада кучайди. Шундай бўлсада, республикада ижтимоий ташкилотлар фаолиятида ташаббускорлик, жонбозлик давом этди.

1957 йилнинг охирида Ўзбекистонда бир бутунликка миллиондан кўпроқ касаба уюшма аъзолари бўлиб, улар 12 мингта бошлағич касаба уюшмаларига бирлашган эди. Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан 1958 йилда Республикада ихтирочилар республика жамияти ташкил этилди ва у Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қила бошлади. Урушдан кейинги 5 йилликларда республика ёшларининг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ҳиссаси катта бўлди. Чунончи ёшлар бригадаларидан 1148 таси ва республиканинг ишчи ёшларидан 80 минг киши 1947 йилда 4–5 йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун юриш эълон қилиб, беш йилликнинг икки йили режасини муддатидан илгари бажардилар. Ёшлар

иттифоқи бошлиқ бригадалар иқтисодий тежамкорликни, давлат маблағларини тежаш ҳаракатини бошқардилар, чунончи Тошкент электр кабель заводининг ёшлар ташкилоти мўлжалланган тадбирларни амалга ошириши натижасида заводнинг 130 минг сум маблағи тежалди. 1949 йилда Ўзбекистон ёшлар ташкилоти сифатида 280 минг аъзо бор эди [1]. Улар кўпгина ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб, Ангрен қурилишларида Мирзачўл ва Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда фаол қатнашдилар. Улар тинчлик ва дўстлик учун кураш байроғи остида 1947 йил Прагада, 1953 йил Бухарестда, 1957 йил Москвада ўтказилган халқаро ёшлар фестивалида иштирок этдилар. 1951 йилда Жаҳон тинчлик кенгаши Берлин сессиясининг “Беш буюк давлат ўртасида тинчлик аҳднома (битим)си тузиш тўғрисидаги муурожаати”га имзо тўплаш ҳаракати кенг авж олиб келди. Республика меҳнаткашларидан 887311 киши бу ҳужжатга имзо чекди. 1945 йилда Ўзбекистонда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ядро уруши хавфига қарши муурожаатига 4 023 826 киши қўл қўйди. Республикада тинчлик учун атом уруши хавфининг олдини олиш мавзусида кўп минг кишилиқ митинглар, йиғилишлар ўтказилди.

Урушдан кейинги йилларда “фирқа ҳукмронлиги”нинг мустаҳкамлиги унинг бош ролни ўйнаш борасидаги фаолияти айрим фирқа ва давлат раҳбарларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бошқа минтақаларда бўлганидек республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

1945–1955 йилларда Ўзбекистонда Совет ҳукумати маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришга эътибор бермади, дейишга асос йўқ. Аниқроқ айтганда, ушбу соҳанинг бутунлай янги тизими вужудга келди. Жаҳон цивилизацияси қиёфасида европалашган маданият турмушимизга кириб келди. Бу борада давлат сиёсати «байналмилалчилик» ва «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият» деб аталган шовинистик ғоялар асосида амалга оширилди. Чунки «байналмилалчиликка» ташқи шакл ва ташвиқот-тарғибот нуқтаи назаридан ҳақиқий байналмилалчилик ғояси берилган

бўлса-да, амалда Совет мустабид тузуми ҳукмронлиги даврида бу ғоя ҳеч қандай миллийлик ва миллий манфаатни назар-писанд қилмас эди.

«Шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият» ғояси ҳам аслида маҳаллий миллатлар онгини заҳарлаш қуроли бўлган. Чунки «шакл» шунчаки ишлатилгани ҳолда, асосий мақсад – ғоя мазмун пардасига ўралган бўлиб, у миллий кадриятларни “топташ” орқали «социалистик» ниқоб остида миллийликни йўқотишга хизмат қилар эди.

1940–1941 ўқув йилида 5504 умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 1 миллион 368,9 минг ўқувчи таълим-тарбия олган. 1945–1946 ўқув йилларида республикада 4483 та мактаб бўлган бўлса, 1950 йилда уларнинг сони 5005 тага етди [3]. Ўқувчилар сони ҳам 912040 кишидан 1 265 485 кишига кўпайди. Малакали муаллимлар тайёрлашга эътибор қаратилиб, 1950 йилда 48 237 муаллим ишлай бошлади. Олий таълимни ривожлантириш соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилиниб, 1945 йилдаги 33 та ўрнига. 1950 йилда 37 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади. Талабалар сони 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 3 баравар кўпайиб, 21190 нафарга етди.

Шу йиллар мобайнида ўрта махсус ва олий таълим тармоқлари ҳам ривожланди. 1940–1941 ўқув йилида Ўзбекистонда 98 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлса, 1945–1946 ўқув йилида улар сони 54 тага тушиб қолди, 1954–1955 йилларга келиб эса 62 тани ташкил этди. Шу йиллар мобайнида уларда ўқувчилар сони ҳам ўсди. Ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар сони 1940–1941 ўқув йилида 25,1 минг, 1945–1946 ўқув йилида 32,6 ва 1954–1955 ўқув йилида 49,3 минг кишини ташкил этди [1].

Олий ўқув юртлари тармоғи ҳам ўсди. 1940–1941 ўқув йилида Ўзбекистондаги 30 та олий ўқув юртида 19,1 минг талаба таҳсил кўрган бўлса, 1945–1946 ўқув йилида 30 олий ўқув юртида 21,2 минг ва 1954–1955 ўқув йилида 33 олий ўқув юртида 47,2 минг талаба ўқиди [4].

1945–1955 йиллар мобайнида республикада хунар-техника билим юрти тармоқлари ҳам кенгайди. Умумтаълим, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия берувчи ўқитувчи-педагог кадрлар сони ҳам бир қадар ўсди.

Аммо Совет ҳукумати ўзининг мустамлака ўлкаси ҳисобланган Ўзбекистонда том маънода мустақил давлат манфаати ва талабларига жавоб берадиган таълим-тарбия сиёсати олиб бормади. Асосий эътибор мустамлакачиларга тез обрў келтирадиган рақамларга қаратилди, таълим-тарбия жараёнининг асосий ўзагини ташкил этувчи мазмун эса мустамлакачилар манфаатига хизмат қиларди. Миллий манфаат иккинчи режага сурилди. Бу борада андак бўлса-да, ўз фикр-хулосаларига эга бўлган маориф ходимлари қатағон қилиндилар. Бу Совет ҳукуматининг миллий мустамлака ва қарам ўлкаларда юргизган сиёсати моҳиятининг таркибий қисмидир.

“Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлаמידан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин” [2] деган тушунча ҳукмрон бўлди. Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистонда ҳам ана шу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда халқ маорифига, олий ва ўрта махсус таълимга раҳбарлик қилинди. Бу ҳол, албатта, ўз салбий натижаларини бермай қолмади.

Ўзбекистон халқ таълими, ўрта махсус ва олий таълим тармоқлари қолдиқ принципига асосан маблағ билан таъминланган. Шу боис улар жуда ночор моддий базага эга эди.

Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, республикадаги ҳар тўрт мактабдан бири авария ҳолатида бўлган, 2895 синф хонасининг поли, 3302 синфнинг шифти бўлмаган. 50 фоиз мактабларда овқатланиш учун шароит, ичимлик суви ва канализация бўлмаган. 1 миллион 200 минг ўқувчи икки сменада, Қорақалпоғистонда, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги 35 мактабда дарслар уч сменада олиб борилган [6]. Мактабларни йиллик таъмирлаш ва янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари асосан оталиқ ташкилотлари ва ота-оналар ажратадиган хайрия маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бўлиб қолди. Олий ва ўрта махсус таълим тармоқларининг аҳволи ҳам бундан афзал эмас эди. Маориф тармоқларининг

ўқув-техника ва методик базаларининг ночорлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанларнинг ўқув дастурлари Москвада тайёрланар ва Ўзбекистон шароитига мослаштирилди. Табиийки, бундай ҳолатда таълим батамом мустамлакачи совет манфаатига хизмат қилар эди.

Совет ҳукумати мактаб ва олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёнида улуғ миллатчилик сиёсатини авж олдирди. Рус тилини ўрганиш учун ажратилган соатлар бир неча баробар оширилди, таълимнинг барча тизимларида бу тилни «иккинчи она тили», «доҳий Ленин сўзлаган тил» сифатида ўрганиш мажбурий қилиб қўйилди, у давлат имтиҳонлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига киритилди. Аксарият олий ўқув юртларида дарслар асосан рус тилида олиб борилди. Ҳатто ижтимоий-гуманитар фанларни ҳам рус тилида ўқитиш “ташаббуси”ни кўтариб чиққан жамоалар бўлди.

Мактабдан тортиб то олий ўқув юртларига қадар маҳаллий миллат вакилларига рус тилини ўрганиш мажбурияти юкланди. Рус тилида сўзлашувчи миллатларнинг ўғил-қизларига мактаб ва олий ўқув юртларида ўз истак-хоҳишларига кўра чет тилларидан бирини танлаб эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса, маҳаллий миллат вакиллари учун бундай имконият йўқ эди. Улар олий мактабда ҳам фақат рус тилини ўрганишлари керак эди. Мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳафтада бир марта рус тили кунлари ташкил этиш одат тусига айланди. Шу кунни йигит-қизлар ўзаро фақат рус тилида муомала қилишга мажбур эдилар, ўз она тилларида эса гапиришлари мумкин эмас эди. Мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги барча бинолар, хоналар ва ётоқхоналар баъзан рус тилида ташвиқот ва тарғибот кўргазма қуроллари, шиорлар ва чақириқлар билан безатилар эди. Бу ишларнинг ҳаммаси миллий манфаат ва кадриятларимизнинг топталиши ва оёқости бўлишига сабаб бўлди.

1956 йилда телевидение ватани бўлган Тошкентда телемарказининг ишга туширилиши Ўзбекистон ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Шу йилларда меҳнаткашларнинг турмуш шароити ҳам қисман яхшиланди. Аҳолига савдо хизматини яхшилаш мақсадида савдо тармоқлари кенгайтирилди.

Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Тошкентда йирик Чилонзор турар жой массиви қад кўтарди. Нукус, Чирчиқ, Навоий, Олмалик, Самарқанд, Фарғона, Ангрэн каби шаҳарларда янги тураржой мавзелари барпо этилди. Бироқ бу қурилишларнинг ўсиш даражаси аҳолининг ўсиш даражасидан орқада қолмакда эди. Қурилган иморатларнинг сифат даражаси ҳам паст эди. Республика аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмай қолаверди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш-профилактика муасссалари ва медицина ходимларини кўпайтириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. 1945–1955 йилларда шифокорларнинг сони деярли 2 баробар ўсган бўлса-да, республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эди [5].

Урушдан кейинги йилларда республикамизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида муайян ўзгаришлар содир бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизнинг Собиқ иттифоқ хомашё базасига айланганлиги, пахта яккаҳоқимлиги, экологик аҳволнинг тобора ёмонлашиб бориши, аҳоли турмуш даражасига таъсир этмай қолмади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар мажбуран бирлашган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз халқи миллий давлатчилиги қадриятлари, хоҳиш-иродаси инобатга олинмаган бу иттифоқдан бутунлай норози эдилар. Аммо ундан чиқиш мураккаб эди. Гарчи собиқ Иттифоқ конституциясида бундай қоида мавжуд бўлса-да, кучли марказ армияси, давлат хавфсизлиги қўмитаси каби асосий кучлар бу иттифоқнинг таянч нуқталари эди.

## **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. /Стат. Ежегодник/. – Тошкент: Узбекистан, 1986. – 294 с.
2. Муносабат (Эркин хафталик). 1990-йил, 30-ноябр.
3. Ўзбекистон Миллий архиви, 94-фонд, 5-рўйхат, 4779-иш, 29-варақ.
4. Ўзбекистон Миллий архиви, 94-фонд, 5-рўйхат, 4779-иш, 23-варақ.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, 94-фонд, 5-рўйхат, 4779-иш, 31-варақ.
6. Ҳаёт ва иқтисод. – Тошкент, 1990. – № 1. – Б.7.